Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

17 2-йил чиқиши.
МАЙ 1967 й.
ЧОРШАНБА
№ 113 (267).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ВЕНГЕР ФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ЛАВҲАЛАРИ

Ўзбекистонда катта муваффақият билан ўтаётган Венгер маданияти декадаси репертуаридан бадиий ва ҳужжатли фильмлар фестивалини ўтказиш ҳам кенг ўрин олган.

Венгрия халқ республикасида барча санъатлар қатори кино санъати ҳам гуркираб ривожланяпти. Айниқса кейинги йигирма йил мобайнида кино санъатининг ижодкорлари етишиб чиқди ва халқчил сермазмун асарлар яратила бошланди.

Кино санъати усталаридан Дёрдь Ревес, Тамаш Ферр, Тамаш Рени, Иштван Тал, Миклаш Янчо, Андраш Ковач, Золтан Фабри ва бошқалар яратган қатор фильмлар жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг экранларида кўрсатилди. Бир қатор бадиий фильмлар Тошкент томошабинлари томонидан ҳам қизғин қарши олинган.

Бундан тўрт йил муқаддам Мардель Плате шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестиваль Венгер кино санъати учун шуҳрат олиб келди. Фестивалда кинорежиссёр Дёрдь Ревеснинг «Фаришталар маскани» деган асари намойиш қилинди. Яхшигина маҳорат ва истеъдод билан яратилган бу фильм фестивалнинг биринчи даражали мукофоти билан тақдирланди.

Шундан кейин кинорежиссёр Тамаш Ферр Москвадаги халқаро кинофестивалга ўзининг «Поезддаги афсона» асарини олиб келди. Кино асар кўтариб чиққан ғояси, бадиий жиҳатидан пухта яратилганлиги учун ҳам фестивалнинг кумуш медаль мукофотини олишга муяссар бўлди.

Қардош Венгрияда қисқа метражли кино лавҳаларининг усталари кўп. Ҳужжатчилар яратаётган фильмлар республиканинг бугунги жўшқин ҳаётини, кишиларнинг социализм қуришдаги жасоратларини кўрсатади. Фестивалга олиб келинган фильмларнинг кўпчилигини ҳам бири-биридан мазмунли ҳужжатли кинолавҳалар ташкил қилади. «Бугунги Венгрия», «Халқ санъати», «Бахт», «Халқ тароналари», «Кўприклар, соҳиллар, кишилар», «Чардош тароналари», «Керамика», «Венгер рапсодияси», «Тасвир ва бўёқлар» каби фильмлар шулар жумласидандир.

Бугун Тошкентнинг талабчан кино томошабинлари пойтахт кино театрларига венгер фильмларини кўриш учун ошиқдилар.

Санъат саройи, «Чайка», «Москва», «Фестиваль» кинотеатрларида венгер фильмлари фестивали бошланди.

Фестивалнинг биринчи кунида томошабинларни мафтун этган картиналардан бири «Январдаги облава» фильми бўлди.

ЎЗБЕК ЭЛИДА ШОДИЁНА





ВЕНГРИЯ маданияти декада сининг тантанали очилиш мароси ми.

А. Палехов фотоси.

Дунай соҳилларида етиштирилган бўлиқ бошоқ билан ўзбек элида лўппа очилган пахта шохи бир-бирларига бирдарона таъзим қилиб эгилган. Ўзбекистонда Венгрия маданияти декадасининг эмблемаси бўлиб қолган бу рамзий образ бугун Тошкент ва Самарқандниг кўча ва майдонларида, Олмалиқ ва Навоий корхоналарининг цехларида, Фарғона водисининг колхоз посёлкаларида, бутун ўзбек диёрида кўп марта такрорланаяпти. Ўзбекистон дўстлик ва бирдамлик ёрқин баҳор байрамига келган Венгрия Халқ Республикаси вакилларини содиқ ва азиз дўстлари сингари кутиб олмоқда.

Тошкент аэропортидаги дастлабки ҳаяжонли учрашув дамидан сўнг ниҳоятн иккинчи кун ўтган бўлсада, меҳмонларнинг ўзлари айтишларича, улар Ўзбекистоннинг меҳмондўст диёрида ўзларини мусофир ҳис қилмаяптилар. Дастлабки учрашувлароқ саҳий мезбонлар қалбининг бутун ҳароратини, социалистик лагерь халқлари бирдамлик ва қардошлиги катта байрами—декаданинг руҳини сезишларига имкон берди.

16 майда декада қатнашчиларининг чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиуми аъзолари ва активлари билан, республика ижодий ташкилотларининг вакиллари билан учрашувлари бу ажойиб байрамнинг ёрқин тимсоли бўлди. Бу ерда венгер ва совет халқларининг дўстлиги тўғрисида, улуғ Ленин ғояларининг сўнмас нуридан баҳраманд бўлган дўстлик тўғрисида кўп қизғин сўзлар айтилди.

Кечқурун Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида байрам бутун вужудини кўрсатди. Театрда Ўзбекистонда Венгрия маданияти декадасининг очилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Меҳмонлар тантаналар бошланғунга қадар театр фойесида жойлаштирилган Венгрия музикаси тўғрисида ҳикоя қилувчи выставкада бу ерга келган Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари билан саломлашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Венгрия делегацияси аъзолари — Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий контроль комиссиясининг раиси, Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг депутати Янош Бруттьони, Венгрия совет дўстлиги жамияти Президиуми раисининг ўринбосари, ёзувчи, Кошут мукофотининг лауреати Ласло Кардошни, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети агитация ва пропаганда бўлимининг ходими Янош Фаркашни, Хайду-Бихар областидаги Венгер-совет дўстлиги жамияти правлениесининг раиси Шандор Шютени, рассом Ласло Бокрошни, Венгер-совет дўстлиги жамияти чет эл секторининг мудири Ференц Марянекни, қардош Венгрия музика, вокал, рақс санъати намояндаларини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Меҳмонлар билан биргаликда президиумдан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Лящченко, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинова Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоков, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, Республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, С. К. Зиёдуллаев, А. Р. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Х. Шукурова, министрлар, республика ижодий союзлари ва ташкилотларининг раҳбарлари, таниқли маданият арбоблари ўрин олдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддинова очади.

Азиз венгер дўстларимиз! Қимматли ўртоқлар!—дейди у.—Бугун республикамизда катта ва кувончли кун — Ўзбекистонда Венгрия Халқ Республикаси маданияти декадасининг очилиш куни. Қардош қаҳрамон, меҳнатсевар ва истеъдодли венгер халқининг вакиллари декадада қатнашмоқ учун бизга меҳмон бўлиб келишди.

Венгрия вакилларининг бизга келишлари улуғ қардошлик ишлари билан боғланган, буюк ва олижаноб мақсад ва манфаатларининг муштараклиги билан жипслашган, социализм ва коммунизм қурилиш йўлида бир ёқадан бош чиқариб ишонч билан бораётган Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётган дўстликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Совет-Венгрия муносабатлари тўла тенг ҳуқуқлилик, самимий ўртоқлик ва қардошларча ўзаро ёрдам, ҳар томонлама ҳамкорлик қилишнинг бузилмас принципларида, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг гранит негизида қурилмоқда.

Бутун совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам венгер халқининг янги турмуши ва ижодий меҳнатига жуда қизиқиб қараб, шонли Венгрия Социалистик Ишчи партияси унинг атоқли ленинчи ўртоқ Янош Кадар бошчилигидаги Марказий Комитети раҳбарлиги остида венгер халқи сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида эришган муваффақиятларидан самимий қувонмоқда.

Социалистик Венгрия маданиятининг Ўзбекистонда ўтказилаётган декадаси мана шу муваффақиятларнинг катта кўриги бўлади. Венгрия халқи ўзининг ёрқин ва халқчил санъати, ажойиб талантлари — шоир ва ёзувчилари, артист ва композиторлари, рассом ва кинематографчилари билан шуҳрат қозонган.

Қимматли венгер дўстларимиз, сизни театрлар ва концерт залларида, заводлар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда сабрсизлик билан кутишмоқда. Сиз қаерга борманг, сизни ҳалқимизга хос самимий эҳтиром, қалб ҳарорати ва меҳмондўстлик билан кутиб олишади. Сиз совет кишиларининг венгриялик оға-ини ва опа-сингилларига чуқур ҳурматда бўлиш ва ҳайрихоҳлик кўрсатиш ҳисларига қайта-қайта амин бўласиз.

Декада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигидек тарихий санага тайёргарлик кўриш вақтида ўтказилаётганлиги ҳам ғоят эътиборлидир. Октябрнинг шонли юбилейини совет халқи билан биргаликда барча социалистик малакатларнинг халқлари, бутун дунё меҳнаткашлари нишонлаяжаклар.

Халқимиз Октябрнинг 50 йиллигига тайёрланар экан, Совет давлатининг ярим асрлик тарихига улуғвор якунлар чиқармоқда.

Қимматли венгер дўстларимиз, республикамизда бўлган вақтингизда Ўзбекистонда Совет ҳокимияти йилларида рўй берган ўзгаришлар билан, ўзбек халқи совет халқларининг қардош оиласи да Ленин партияси раҳбарлиги остида эришган тарихий ғалабалари билан танишишингиз мумкин.

Венгрия Халқ Республикаси маданиятининг декадаси республикаларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада кенг ривожлантиришга, уларнинг социалистик маданиятларини ўзаро бойитишига, бутун дунёда улуғвор тинчлик манфаатларини кўзлаб, совет ва венгер халқларининг фаровонлиги-ҳудратли социалистик ҳамкорлик мамлакатларининг халқлари фаровонлиги учун, совет—венгер дўстлигининг янада гуллаб-яшнашига муҳим ҳисса бўлажагига шак-шубҳа йўқ.

Залда Венгрия Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг тантанали оҳанглари янграйди.

Сўз Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбоновга берилади. У, азиз меҳмонларни ҳамда бутун меҳнатсевар, қардош венгер халқини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Совети номидан, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан қизғин ва самимий табриклайди.

Ўзбекистон ССРдаги Венгрия маданияти декадаси шонли дамларда очилмоқда, дейди ўртоқ Қурбонов. Орадан бир неча ой ўтгач совет халқи, социалистик ҳамкорлик мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният шонли юбилей — Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини тантанали равишда нишонлайдилар.

Инсоният тарихида бутун-бутун халқларнинг ҳаётида янги шонли босқич бошлаб берган саналар бор. Бу саналар порлоқ келажак йўлини машъалдек ёритиб турали. Улуғ Октябрь социалистик революцияси шундай босқич бўлди. Улуғ Октябрь халқларимизни капитализм асоратидан озод этиб, қолоқликдан ижодий яратув порлоқ йўлига олиб чиқди. Бугун бутун совет халқи Улуғ Октябрь очиб берган йўлдан битта аҳил ва бузилмас оила сингари ишонч билан олға бормоқда.

Совет ва венгер халқлари бир-бирлари билан бузилмас дўстлик ва қардошлик иплари билан боғлангандирлар. Бу дўстликнинг бой тарихи, шонли революцион традициялари бор.

Венгриядаги соцналистик жамиятнинг бугунги қурувчилари Россиядаги ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар кетидан Венгрия элида 1919 йилда Советлар ҳокимиятини ўрнатган венгер коммунистларининг ўлмас ишларини давом эттирувчилари ва муносиб меросхўрларидир. Мамлакатимизда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган жангларда бевосита қатнашган юз минг венгер интернационалчи жангчиларнинг жасорати совет кишиларининг хотирасида абадий яшайди.

Венгер халқининг минглаб вакиллари бизнинг республикамизда ҳам бўлган эдилар. Улар Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси ва унн мустаҳкамлаш ишига кўп куч-қувват сарфладилар. Улар орасида Карл Боц, Орман Оскар, Иошеф Хорват, Ревес Ласло ўртоқлар ва бошқа кўп кишилар бор. Биз қардош бўлиб қолган ажойиб ватанпарвар революционерлар бўлган бу кишилардан қизғин минатдормиз.

Бизнинг Ўзбекистонда Венгрия пролетариатининг ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган шонли кураш тарихини яхши билишади.

Венгрия халқ ҳокимиятининг 22 йили мобайнида Европанинг илғор мамлакатлари қаторига чиқди. Бугунги социалистик Венгрия—чин маънодаги ижодкор мамлакат, бутун халқ меҳнат қилаётган катта қурилиш майдонидан иборатдир. Венгер халқи социалистик жамият қурилишида катта муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари, бутун совет халқи жаҳон революцион кучлари авангардида туриб, социал тараққиёт, тинчлик ва демократия учун, империализмга қарши курашаётган, социализм мамлакатлари ҳамкорлигини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш улуғвор процессида фаол қатнашаётган венгер қардошларимизнинг муваффақиятларидан самимий хурсанддирлар.

Совет кишилари Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссасига юксак баҳо бермоқдалар. Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Карловн Варида ўтказилган конференцияси шу процессда катта роль ўйнади. Венгрия Халқ Республикаси коммунистларининг вакиллари ҳам бу конференция ишида актив қатнашдилар.

Азиз ўртоқлар!

Дўстлигимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлиги н и. Венгрия Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи, шу жумладан Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар юбора кўпроқ ривожланиб бораётганлигини биз зўр мамнуният билан қайд этамиз. Ҳозир бошланаётган Венгрия маданияти декадаси алоқаларимиз ўсиб ва ривожланиб бораётганлигининг ёрқин далилидир.

Ишчилар синфининг дўстлигидан ҳам кўра мустаҳкамроқ нима бўлиши мумкин? Ўзбекистон ва Венгрия меҳнаткашлари ўртасида шундай дўстлик бор. Тошкентлик кабелчилар Будапештдаги электр машиналари ва кабель заводидаги ҳамкасблари билан бир неча йилдан бери хат ёзишиб туришибди. Улар фақат хат алмашинибгина қолмай, ишчиларча чимакам дўстлашиб, тажриба алмашмоқдалар. Тошкентлик Мирсоатов билан будапештлик кабелчи Нандор Туйфель бригадалари бир-бирлари билан мусобақалашмоқда.

Пахтамизнинг шуҳрати Венгрия тўқимачиларига ёйилган бўлса, биз ўз ишлаб чиқаришимизда Венгрияда тайёрланган саноат ҳолодильник установкалари, турли ўлчов асбоблари, металларга ишлов берувчи станоклар ва бошқа маҳсулотлардан мамнуният билан фойдаланаяпмиз. Ўзбекистон Венгрияга экскаваторлар, химия саноати машина-ускуналари, тўқимачилик машиналарининг запас қисмлари, радиолампалар ва бошқа маҳсулотлар жўнатиб туради. Венгриянинг пойафзал трикотаж ва саноатнинг бошқа тармоқлари маҳсулотлари Ўзбекистонда манзурдир.

Ўзбекистон ва Венгрия олимлари ўз ишларида бир қанча масалалар юзасидан ҳамкорлик қилмоқдалар. Доимо турли делегациялар алмашиб турамиз.

Жаҳон коммунистик ҳаракатининг атоқли арбоби, совет халқининг содиқ дўсти ўртоқ Янош Кадар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши бизда сўнмас из қолдирди.

Дўстлигимиз пойдеворига яна бир қимматли ҳисса бўлиб тушадиган декада кунларида сизни тикланаётган Тошкент бинокорлари ва Фарғона водисининг пахтакорлари, Навоий саноатчилари ва қадимий Самарқанд аҳолиси, элимизнинг ҳар бир чеккасидаги меҳнаткашлар нон-туз билан кутиб турибдилар. Сизни ҳамма ерда энг азиз ва қимматли меҳмон сифатида кутиб туришибди.

Азиз венгер дўстларимиз, ўзбек халқининг ажойиб мазмунли тўла ҳаёти кўз ўнгингизда намоён бўлади. Бу халқ Коммунистик партия раҳбарлиги остида ниҳоятн ярим аср мобайнида ўз ўлкасини чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан қишлоқ хўжалиги, илғор маданияти юксак тараққий қилган, гуллаб-яшнаган индустриал республикага айлантирди. Биз бўларнинг ҳаммасини ленинча миллий снёсат, совет халқлари қардошларча дўстлигининг гавдаланиши деб биламиз. КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш учун курашдаги куч-ғайратларини кўпайтириб, социалистик ҳамкорлик қудратини ўстиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Ўзбекистондаги Венгрия маданияти декадаси қардошларча муносабатларимиз, бузилмас ва абадий дўстлигимизни янада мустаҳкамлаш ва яшнатишдек олижаноб ишга хизмат қилади деб қаттиқ ишонамиз.

Азиз меҳмонларимиз, венгер дўстларимиз, сизни яна бир марта қизғин табриклашга руҳсат этгайсиз. Хўш келибсиз, азиз дўстлар!

Яшасин Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик!

Жаҳон социализм системаси мустаҳкамлансин ва яшнасин!

Минбарда Венгрия делегациясининг раҳбари Янош Бруттьо.

Азиз ўртоқлар, қадрли дўстлар — дейди у ўз нутқида:

Сизларни, Венгрия—Совет дўстлиги жамияти делегациясини ва венгер санъати намояндаларини самимий, дўстона кутиб олганлигингиз учун ўз номимдан, шунингдек делегациямиз ва артистларимиз номидан астойдил миннатдорчилик билдиришимга ижозат бергайсиз. Биз сизларга венгер халқининг саломини ва қардошлик тилакларини, шунингдек Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадарнинг шахсий саломини келтирдик. Янош Кадар сизнинг гўзал малакатингизда бир неча йил муқаддам бўлиб, шу вақтга қадар бу ерда ўтказган кунларини ҳамиша завқ билан эслаб туради.

Биз венгерлар Совет Иттифоқининг қардош халқлари билан учрашиш имкониятидан доимо ҳурсандчилик билан фойдаланиб келамиз.

Венгер маданияти кунлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ярим асрлик юбилейи йилида ўтаётганлиги муносабати билан бизнинг сафаримиз алоҳида аҳамият касб қилади.

Сафаримизнинг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, биз ўзининг қадимий маданий обидалари билан бир қаторда совет кишилари илҳомбахш ижодий меҳнатининг, Совет Иттифоқи халқлари қардошларча жипслигининг тимсоли бўлиб турган шаҳар — Тошкентни кўздан кечира оламиз.

Бизнинг халқимиз, венгер меҳнаткашлари сизнинг шаҳрингиз бошига тушган оғир табиий офатни эшитиб, жуда ҳафа бўлдилар. Бу офатнинг оқибатларини тугатиш қандай бораётганлигини шаҳар қандай тикланаётганлигини биз самимий қизиқиш билан кузатиб турдик. Тошкентнинг қайтадан тикланганлигини кўриб, кунглимиз қувончларга тўлди.

Биз ўз сафаримизни фахрли ва муҳим вазифа деб биламиз. Венгер маданиятининг декадаси Совет Ўзбекистонида биринчи марта ўтказилаяпти. Биз буни ўз ватанимизнинг Ўзбекистон ССР билан, венгер халқининг ўзбек халқи билан алоқаларини янада ривожлантиришнинг бошланиши, шу йўлдаги биринчи қадамгина деб ҳисоблаймиз. Шу йилнинг ўзидаёқ октябрь ойида Венгрияда ўзбек маданияти кунлари ўтказилажаги фикримизнинг далилидир.

Бизнинг тарихимизда шундай шонли даврлар бўлганки, унда бутун халқ бутун Ер куррасининг тарихий тақдирини белгиловчи воқеаларга ўз ҳиссасини қўшган. Биз шу билан фахрланамизки, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини, дунёда биринчи социалистик давлатни ҳимоя қилиб қолишда венгер халқининг ғоят яхши фарзандлари—интернационалистлар бўлиб қолган венгер қарбий асирлари ҳам иштирок этганлар. География жиҳатдан венгер халқи билан ўзбек халқи гарчи бир-биридан жуда узоқда турса ҳам, лекин пролетар интернационализмининг руҳи учун бу масофанинг аҳамияти йўқ. Россиядаги граждалар уруши йилларида венгер ва ўзбек революционерлари бир-бирларига қўл узатишиб қуролдош дўстлар бўла олишган эди. Қизил Армия Туркистон фронтининг солдатлари орасида 12 минг га яқин интернационал курашчилар жанг қилганлиги, уларнинг кўпчилиги венгерлар бўлганлиги билан биз фахрланамиз. Чунончи, 1918 йил бошларида Тошкентда венгер Янош Варга қўмондонлигида интернационал полк тузилди. Бу полк жуда кўп жангларда қатнашиб, Тошкентдаги 1919 йил январь контрреволюцион исёнини бостиришда катта роль ўйнади. Самарқандда интернационал отряд вужудга келди, Фарғонада отлиқ бригада тузилди. Ана шу қўшинларнинг ҳар икkаласи асосан венгерлардан иборат эди. 1920 йилда Хева ва Бухорода халқ революцияси қўтарилган пайтда қўзғолончиларга ёрдам берган Қизил Армия отрядларида кўпгина венгер интернационалистлари бор эди.

1945 йилдан кейинги давр мобайнида венгер халқи билан совет халқининг дўстлиги кенгайди ва мустаҳкамланди. Бизнинг дўстлигимиз яқин ҳамкорлигимиз бир хил ижтимоий тузум қураётганлигимизга, бир хил идеологияга ихлос қўйганлигимизгагина асосланаётгани йўқ, бу дўстлик ва ҳамкорлик иккала мамлакат партиялари билан ҳукуматлари даврмизнинг асосий масалалари юзасидан бир хил нуқтаи назарда турганлигига ҳам асосланади.

Венгер халқи ўз дўсти-совет халқини ғоят қадрлайди ва ҳурмат қилади Коммунизм қуришда, илғор техникани ривожлантириш ва ишлатишда, илм-фаннинг энг турли соҳаларида совет халқи эришган буюк муваффақиятлар бизни қувонтирмоқда. Бу муваффақиятларнинг ҳаммасига бизнинг халқимиз таҳсин айтмоқда. Шу билан бирга бу муваффақиятлар совет экономикасига, совет фанига, совет кишиларининг турмушига бўлган қизиқишни ошириб юборди.

Совет кишилари венгер халқининг турмушини, унинг қандай қилиб социализм қураётганлигини зўр қизиқиш ва эътибор билан кузатиб бораётганликларини ҳам биз яхши биламиз Шу сабабли мамлакатимиз ривожидаги бир неча янги муҳим воқеаларни қисқача айтиб ўтишимга ижозат бергайсиз.

Биз иккинчи беш йиллик планни муваффақиятли якунладик, социал ва маданий тараққиёт соҳасида каттагина муваффақиятларга эришдик.

Социализм пойдеворини вужудга келтиришни мақсад қилиб олган хўжалик қурилиши даври поёнига етказилди. Эндилика бошқа бир давр, ўз олдига социализмни узилкесил қуришни асосий мақсад қилиб қўйган давр бошланди.

1961 йилдан 1965 йилга қадар мамлакатимизнинг иқтисодий қувати янада ўсиб борди, миллий бойлиқ кўпайтирилди, ишлаб чиқаришнинг техника билан қуролланиши яхшиланиб, у замонавий ишлаб чиқаришга айлантирилди.

Иккинчи беш йиллик мобайнида 80 тага яқин янги саноат корхонаси ишга туширилди. Саноат ишлаб чиқаришини йириклаштириш ишида олға томон янги қадам қўйилди. Қишлоқ хўжалигидаги социалистик ўзгартишлар муваффақиятли амалга оширилди. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги ҳамма экин майдонларининг бешдан тўрт қисмида хўжаликни ишлаб чиқариш кооперативлари бошқармоқда.

Иккинчи беш йиллик даврида аҳолига маданий, социал, медицина хизмати кўрсатиш даражаси оширилди.

Венгриядаги турмуш даражаси мамлакатимиз озод бўлмасдан аввалги даврдаги турмуш даражасидан салкам икки баравар ошиб кетди.

Венгрия саноатини ривожлантиришга кўман бераётган совет-венгер иқтисодий алоқалари иккинчи беш йиллик план даврида ижобий роль ўйнади.

Қишлоқ хўжалигимизни социалистик тарзда қайта қуриш ва ривожлантиришда Совет Иттифоқи амалий ёрдам берди. Шу йилларда Совет Иттифоқи Венгрияга 10 мингта трактор ва бир неча минг-та дон комбайнлари етказиб берди. Бу эса ишлаб чиқариш кооперативларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги қалин дўстликни янада мустаҳкамлаш халқимизнинг эзгу тилагидир. Халқимиз ана шу дўстлик ғоясини дилга жо қилиб, қардош социалистик халқлар билан кифтма-кифт туриб ишламоқда, янги жамият қуриш манфаатлари йўлида меҳнат қилмоқда ва бутун прогрессив инсоният билан биргаликда, миллион-миллион тинчликсевар кишилар билан биргаликда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун, янги жаҳон урушига йўл қўймаслик учун курашмоқда. Совет Иттифоқи ўтказиб келаётган тинчлик сиёсатини бизнинг халқимиз чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқда ва Америка империалистларининг Вьетнамдаги агрессиясини газаб билан қораламоқда. Бизнинг мамлакатимиз Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларининг чиқариб олиб кетилишини, Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини бомбардимон қилишни тўхтатишни қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда қатъият билан талаб қилади. Венгер халқи қардош Вьетнамнинг адолатли курашига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб турибди. Бизнинг халқимиз Грециядаги реакциянинг грек халқига қарши, грек ватанпарварларига қарши, жумладан афсонавий қаҳрамон Манолис Глезосга қарши қаратилган ёвузликларини ҳам қоралайди.

Азиз ўртоқлар! Ўзбекистон ССРда венгер маданиятининг декадаси ўтказилаётганлигига биз астойдил хурсандмиз. Шу кунларда бўладиган воқеалар венгер халқи билан совет халқи ўртасидаги биродарлик ва дўстликни мустаҳкамлайди.

Социализм қураётган халқларнинг ва ўз озодлиги учун курашаётган халқларнинг интернационализм ғояларига асосланган яқин ҳамкорлиги яшасин ва мустаҳкамланаверсин!

Яшасин венгер ва совет халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги!

Яшасин бутун дунёдаги тинчлик!

Йиғилишнинг тантанали қисми тугаб, социализм қуёши остида яшнаган қардош мамлакат халқчил санъатининг вакиллари саҳнани эгаллайдилар.

Венгрия бу қардошлик байрамига музика, қўшиқ ва рақснинг кўпгина ажойиб усталарини юборди. Уларнинг ҳар бири бу байрамни ўз истеъдоди билан бойитди.

Венгрия маданияти декадаси ўзбек элидаги тантанали юришини бошлади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

16 майда Венгрия Социалистик Ишчи Партияси Марказий Контроль комиссиясининг раиси, Венгрия Халқ Республикаси Давлат Мажлисининг депутати Янош Бруттьо бошчилигидаги Венгрия маданияти декадаси қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилиндилар.

Венгриялик меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов самимий табриклади. У, қардош социалистик давлат вакилларини республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда Ўзбекистон меҳнаткашлари эришган ютуқлар билан таништирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН МОДЕНОВОДА



Моденово — Москва яқинидаги қадимги Можайск йўли ёнига жойлашган қишлоқ. 1812 йили Наполеон лашкарларн унинг ёнгинасидан Москвага юриш қилишган. Бу ердан, 130 йил кейин Гитлернинг бронлаштирилган дивизияси Советлар пойтахтига ташланган эди.

Моденово марказида ёдгорлик бор. Унда Владимир Ильич Ленин «1920 йил 15 декабрда шу ерда тўхтаб ўтган» деб олтин ҳарфлар билан ёзилган.

Менга маҳаллий қоровул Петр Козлов ёдгорликнинг тикланиши воқеасини гапириб берди, ҳамқишлоқлари уни Моденовонинг тирик тарихи деб атайдилар.

— Ленин қишлоғимизда бўлган ўша декабрь кунларини бир умр эсда тутаман, — дейди Козлов. — Ленин бу ерда тўхтабгина қолмай, йиғинда доклад ҳам қилган, деҳқонлар билан самимий суҳбатлашган. У ҳўл қўйган протоколни кўрсангиз ҳам бўлади. Протоколнинг бир нусҳаси менда ҳам бор.

Биз кенг кўча бўйлаб боряпмиз. Урушдан кейин қурилган янги уйлар. Мана бу Козловнинг уйи.

— Мен у пайтда қишлоқ камбағалларининг раҳбари ва волос ижроия комитетининг аъзоси эдим, — ҳикоясида давом этди суҳбатдошим, — биз мана шу кўчада қишлоқ Советининг ранси Егор Власов билан кетаётган эдик. Тўсатдан автомашинага кўзимиз тушди. Уша пайтда қишлоқда автомашина ажойибот бўлиб кўринар эди. Машина овчи Иван Новиков уйи олдида тўхтади. Машинадан уч киши тушди. Келганларга қарадим-да:

— Ленин-ку бу! — деб бақириб юбордим.

— Бекорларни айтибсан, — Егор истеҳзо билан кулди. — Владимир Ильич Моденоводда нима қилади?

— Мен уни съездда ўз кўзим билан кўрганман. Жуда яхши танийман.

Мен адашмаган эдим. Келганлардан бири Ленин экан. У овга чиқаётиб, Моденоводда тўхтаб ўтишга қарор қилган.

Владимир Ильичнинг келгани ҳақидаги хабар тезлик билан қишлоққа ёйилди. Одамлар қишлоқ Советига тўпландилар. Кимдир:

— Ильични мажлисга таклиф қилиб, у билан суҳбатлашсак яхши бўларди, — деб қолди.

Ильични безовта қилишни лозим топмадик. Унга хат ёзмоқчи бўлдик. «Жаҳон революциясининг доҳийси ўртоқ Ленинга Моденово қишлоғи гражданлари номидан. Сизни суҳбатга таклиф этамиз», деб коллектив бўлиб хат ёздик. Ильич хатни ўқиб, йиғилишга келишини айтди.

Биз Прасковья Кочетова исмли деҳқон аёлнинг уйида йиғилдик. Одам ниҳоятда кўп. Владимир Ильич ҳам етиб келди. Биз билан саломлашиб бўлиб, жилмайди.

— Қани президиум сайлангар, мажлисни бошлаймиз.

Василий Гагаровни раис, мени секретарь қилиб сайладилар.

Сўз ўртоқ Ленинга берилди. Ильич соатини стол устига қўйиб, ёш Советлар мамлакатининг ўша пайтдаги аҳволини бафуржа гапириб берди.

20-йиллар эди. Қизил армия оғир, машаққатли жанглардан сўнг Перекопни қўлга киритди, генерал Врангел бошлиқ оқ гвардиячи қўшинларни мажақлаб ташлаб, Қримни эгаллади. Пилсудскийнинг легионлари ҳам зарбага учради. Лекин интервентлар бари бир Советлар тўпроғида қолган эдилар. Узоқ Шарқда япон ва америкалик босқинчилар хўжайинлик қилишарди.

Лекин Совет ҳокимиятининг галабаси муқаррарлиги, чет эл интервенцияларининг тор-мор келтирилиши, чет элда революцион ҳаракатнинг ўсиб боравётганлиги ҳақида деҳқонларга бирма-бир айтиб берди.

Хона сув қуйгандек жимжит. Деҳқонлар Ильичнинг ҳар бир сўзини уқиб олишга ҳаракат қилар эдилар.

Суҳбатдошим тумбочкасидан эскириб, сарғайиб кетган дафтардан йиртилган бир варақ қоғозни кўрсатди. Бу В. И. Ленин қатнашган мажлиснинг протоколи эди. У жуда оз ёзилган. Ҳаммаси бўлиб бирнеча қатордир.

«Протокол № ....

Богород волости, Верейск уезд, Моденово қишлоқ гражданларининг 1920 йил, 15 декабрдаги мажлиси.

Раис-Гагаров Василий. Секретарь — Козлов Петр.

Мажлис кундузи соат 2да очилди. Кун тартиби:

1. Ўртоқ Ленинниинг ҳозирги шароит тўғрисидаги доклади.
2. Революциянинг бориши ҳақида.
3. Озиқ-овқат масаласи.
4. Кун тартибидаги ишлар ва ҳоказо.

«Ўртоқ Ленинининг ҳозирги шароит ҳақидаги докладидан маълум бўлдики, Польша билан тинчлик шартномасига қўл қўйилган, лекин яқин келажакда тинчликка тамомила имзо чекилади. Бекор турган фабрикалар яқинда ишга тушади. Саноатимизни тиклаймиз».

Докладдан сўнг саволлар берилди. Владимир Ильич жавоб бергандан кейин, деҳқонлар ўз ҳаётлари, истак-орзулари ҳақида, баъзилари пичан разверстқасини камайтириш тўғрисида гапирдилар. Ленин бошини қуйи солиб, деҳқонларнинг гапини бўлмасдан эшитди. У ўйлаб туриб, орамиздан делегат ажратишимизни ва Москвага юборишимизни таклиф қилди. Қабул қилиш куни ва соатини белгилади.

Ильични бутун қишлоқ аҳли кузатди. 1921 йил, 6 январда эса В. И. Ленин моденоволик вакилларни қабул қилди. Суҳбатимиз анчагина давом этди. Секретарь бу вақт ичида икки марта кабинетга мўралаб қўйди. Ленин эса ҳамон вакилларни қўйиб юбормас, улардан деҳқонларнинг ҳаёти, қишлоқ Советининг иши, бу йилги ҳосилнинг чамаси ва бошқалар ҳақида эринмай сўрар эди.

Ватан уруши вақтида гитлерчилар деярли бутун қишлоқни яндириб юборишди. Прасковья Кочетованинг мажлис бўлиб ўтган уйи ҳам ёниб кетди. Бу ерга ҳозир ёдгорлик ўрнатилди. Азиз меҳмонни кутиб олган Кочетовалар оиласига янги уй қуриб беришди. Бу ерга пионерлар, экскурсантлар тез-тез келиб туришади. Моденово деҳқонларининг Ленин билан учрашувлари, Ленин номи билан аталувчи колхоз ишлари ҳақида суриштиришади.

Уруш йилларида талофотга учраган артель хўжалиги кейинчалик тикланибгина қолмади. Балки у кенгайди, оёққа туриб олди. Сабзавотчилик катта фойда келтирмоқда. Чорвачилик рентабелли бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалигидаги ишлари механизациялаштирилди. Ҳар бир уйда электр нури. Электр қуввати фермаларда, тегирмонда, моторларни ҳаракатга келтиряпти.

Моденово деҳқонлари ўзларининг тўқ, бахтли ҳаётларини Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин номи билан чамбарчас боғлаяпдилар.

Иван БЕРЕЗИН,
(АПН).



Тошкент сут комбинати пойтахт аҳолиси учун суткасига 21 номдаги 135 тонна турли хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқараётир. Корхона кейинги пайтларда энг замонавий техника билан жиҳозланди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш унуми ҳам анча ошди. Ҳозир комбинат пойтахт аҳолиси учун қоғоз пакет ва шишага жойланган сут, қатиқ каби маҳсулотларни ишлаб чиқараётир.

Суратда: сут қуйиш автомат линиясининг оператори Н. Воизова шишаларга сут қуймоқда. Бу автомат линия суткасига 67 минг шиша сут ишлаб чиқара олади.

М. Нуриддинов фотоси.

«ТАШСЕЛЬМАШ»ДАН ХАБАРЛАР

ДАДИЛ ҚАДАМ

Илгарилари 3-цех маҳсулот ишлаб чиқаришда доим орқада қолиб келарди. Кўпчилик «бу участкада ишлаш оғир» деган важни кўрсатарди. Участкага тажрибали мастер Владимир Криштоф келди-ю, ишлар юришиб кетди. У ишчилар қалбига йўл топа олди, агитация ишларини кучайтирди. Меҳнат интизоми эса мустаҳкамланди. Ишчилар ҳамкорликда ишлаб, зиммаларидаги топшириқларни оширib бажарадиган бўлишди. Мана эндиликда илгариги қолоқ участка илғорлар қаторидан ўрин олди. Цех коллективи 700 дан ортиқ машина деталлари комплектини тайёрлаб, белгиланган топшириқни оширib адо этди.

ТАКЛИФДАН ЮЗ МИНГ СЎМ

Завод коллективи конструкторлик, технологик ва бошқа ташкилий тадбирларни амалга ошириш эвазига ўтган йили 2 миллион 465 минг киловатт-соат электр энергияси ва 500 тоннадан ортиқ шартли ёқилғини тежаган эди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқдалар. Бу чеварларнинг ҳар бири улуғ санани меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олиш ниятидаги жонбозлик кўрсатишяпти.

Юбилейга шахсий меҳнат совғаларини тайёрлашга аҳд қилган бу дугоналар смена топшириқларини 130—140 процентдан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

Суратда: «Юлдуз» фирмасининг пешқадам чеварлари: (чапдан) М. Обидова, Д. Нишонова, М. Толипова, Н. Ғозиева ва М. Саидоваларни кўриб турибсиз.

А. ТУРАЕВ фотоси.

«Юлдуз» фирмасининг ҳамма цех ва бригадаларида шу кунларда меҳнат авжида. Фирманинг илғор тикувчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқдалар. Бу чеварларнинг ҳар бири улуғ санани меҳнатда янги муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олиш ниятидаги жонбозлик кўрсатишяпти.



УНУТИЛГАН ВАЪДАЛАР

Уч минг хўжаликка яқин оила истиқомат қилаётган «Партия XXI съезди» массивини ободонлаштириш борасида ўтган йили бошланган хайрли иш қишда ҳам тўхтамади. Кўчалар қазилди — сув ва газ қувурлари ётқизила бошланди. Бир неча жойга водопровод колонкалари ўрнатилди. Лекин бу ишлар баҳор келди-ю, таққа тўхтади қолди.

Қазилган кўчаларнинг ёнбошидаги қувурлар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Натижада йўлкаларни асфальтлаштириш тўхтаб қолди. Массивда ҳамон сув йўқлиги кишини ажаблантиради.

Шаҳар сув хўжалиги бошқармасининг раҳбарлари массивдаги ариқларга сув қуйишни ҳатто ҳаёлларига ҳам келтиришмаяпти.

Массив аҳолисини ичимли сув билан таъминлашни ўз бўйнига олган шаҳар «Водоканал» трести ҳам ишларни бўшаштириб юборди. Масалан: Апрель ойида массивнинг Ҳусноbод кўчаси ва унинг тўртта проездида Садоқат кўчасида истиқомат қилувчиларга наҳотки бирон машина сув келтиришмаса-я. Массивнинг «Шимол» томонига бириктирилган «ТНБ 76-33» номерли сув ташувчи машина қарасини ҳам кўрсатмади. Шу кўчалар атрофига ўрнатилган ягона водопровод колонкасининг тугмасини боссангиз, челакка бир томчи ҳам сув тушмайди.

Шаҳар водопровод трести раҳбарларининг бепарволиги орқасида массив аҳолисини сув билан таъминлаб турган 12 та машинадан ҳозир бештаси қолган, булар ҳам хоҳлаганда келади. Масалан, 13 апрель куни сув келтирилмаганлиги натижасида марказдаги ошхона ва чойхоналар ишламади. Қурилишда ишлаётган бир неча юз киши ўша куни тамадди қилолмади. Массивни у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб юрган ТНБ 61—65, ТШГ 24—87, ТНБ 76 — 33 номерли сув ташувчи машиналарнинг шофёрлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қарамоқдалар.

Ҳафтанинг душанба кунлари ташкилот ва бошқармаларнинг раҳбарлари иштирокида массив аҳлининг йиғилиши ўтказилиб, унда камчиликларни тугатиш борасида қатор-қатор тадбирлар белгиланади ва аҳолининг истаклари ҳисобга олинади. Шу асосда шаҳар сув хўжалиги бошқармаси, коммунал хўжалик бошқармаси, газлаштириш бошқармаси ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари массивдаги мавжуд камчиликларни тугатиш тўғрисида наказлар олишади. Лекин буларнинг кўпчилиги шу раҳбарларнинг ён дафтарларида ваъдалигича қолиб кетяпти.

XI—XV кварталда электр йўқлигидан радио эшитмаймиз, телевизор кўрмаймиз. Болаларимиз алмисоқдан қолган лампада дарс тайёрлайдилар. Почта, телефон ҳақида оғиз очмаса ҳам бўлади. Лоақал ёзги кинотеатр қурилмаган.

Биз истиқомат қилаётган Куйбишев районига қарашли «Партия XXI съезди» массивининг истиқболи ҳақида район раҳбарлари бир қатор тадбирларни ишлаб чиқишди. Бироқ бу тадбирларни амалга оширишга шошилмаяптилар.

Ўттиз минг киши яшаб турган массивни оқар сув билан таъминлаш ва унинг кўчаларини обод қилиш юзасидан конкрет ва амалий чоралар кўрилса.

Т. АЛИЕВ,
массив маҳалла комитетининг раиси.

Ғ. ҒАФУРОВ,
Республика дорихоналар бошқармаси ходими.

ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент область адвокатлар коллегиясининг ходими.

Н. ҲАСАНОВ.
Тошкент Политехника институти ўқитувчиси ва бошқалар.

Ҳаммаси бўлиб ўттиз киши имзо чекди.

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Узоқ танаффус вақтида дикторнинг овози янгради: «Диққат, диққат, мактаб радио узелидан гапирамиз! Ҳозир В. И. Ленин ҳақидаги навбатдаги эшиттиришимизни бошлаймиз». 20-ўрта мактабда ҳар куни катта танаффусда В. И. Ленин ҳаётига оид эшиттириш олиб борилар ва уни ҳамма зўр эътибор билан тинглар экан.

Мактабнинг иккинчи қавати «Ленин музейи» деб номлангани бежиз эмас. У ерда Ленин ҳаёти билан боғлиқ бутун эсдаликларни кўриш мумкин. Айниқса, Кремль макети зўр маҳорат билан ишланган. Деворларда бутун дунё прогрессив ёзувчиларининг Ленинга берган баҳолари, Ленин мукофоти лауреатлари, Ленин ролини ўйнаган артистлари портретлари... Булардан ташқари В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи, альбомларни қизиқиш билан кўздан кечириш мумкин.

Ленин билан бирга ишлаган 73 ёшли собиқ телефонистка З. Л. Хмоловская ва Ш. Ғойибжоновалар билан бўлган учрашувлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирган.

Шу кунларда мактаб «Ленин синфи» ташкил қилиш арафасида тўрибди. Бу синфда энг аълочи синф ўқитилади.

— Ҳозир Ленин синфида ўқиш учун интилаётган синфлар сони ошиб бормоқда, — дейди мактаб директори Адиба Тўраева.

50 йиллик тўйга қилинаётган ишлар ҳам, диққатга сазовордир. Шу кунгача 20 дан ортиқ докладлар уюштирилган. «Улар номи билан фахрланамиз», «Интернационал дўстлик», «50 йилда Ўзбекистон» ва бошқа темада кўпгина стендлар ишланган.

Яқинда Украина биноқорлари билан дўстлик кечаси ўтказилди. Юқори синф ўқувчилари мактаб йилномасини тайёрлашган.

Умуман мактаб коллективи мақтаса арзигудек иш қилганини район ҳаваскорларининг «Революция номи билан» деб аталувчи адабий музикали эшиттиришлар кўригида биринчиликни олганликларидан ҳам билиш мумкин.

— Мактабда бундай хайрли ишда тарих ўқитувчилари Ж. Содиқова, А. Исломбеков, тарбиявий ишлар бўйича илмий бўлим мудири Санобар Хўжаевалар нинг хизмати мақтовга сазовор, — дейди мактаб директори А. Тўраева.

Яқинда байрамга тайёргарлик ишлари ҳақида фикр алмашиш мақсадида Киров районидаги мактабларнинг директорлари ва илмий бўлим мудирлари 20-мактабга тўпланишди. Йиғилишда «Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўллари» деган тема муҳокама қилинди.

Мактабга йиғилган кишилар 20-мактабдаги бу борада қилинаётган ишлар билан чуқур танишдилар. Байрам тараддуди қониқарли деб топилди. Бу тажриба бошқа мактабларда ҳам амалга оширишга қарор қилинди.

С. СУЛТОНОВ.

ЯНГИ КОРПУС

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ ТЕМИРЧИЛИК-ПРЕСС ЦЕХИНИНГ ЯНГИ ВИНОСИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ. ЯНГИ КОРПУСГА КЎЧИБ УТИШ НАТИЖАСИДА ЦЕХ ИШЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНАДИ, МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА УНИНГ ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИ КЕСКИН ОШАДИ.

Тошкент қурилишларида



Қардош Белоруссия қурувчилари Чилонзорда Тошкент аҳолиси учун 25 минг квадрат метр миқдорда турар жой биноларини бунёд этаётирлар. Яқинда белоруссиялик биноқорлар бири 50 ва бири 80 квартирали иккита уйни фойдаланишга топширдилар. Уйлардан бирига «Белоруссия халқидан тошкентликларга бахт саодат учун» деб ёзилган нақш туширилган. Суратдаги бу бино яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Қардош биноқорларнинг Тошкентда қураётган биноларн шаҳримиз чиройини янада гўзаллаштиряпти. Сиз суратда молдавиялик қўли гул қурувчиларнинг 15-секторда бунёд этаётган турар жой биноларини кўриб турибсиз.

Р. ТКАЧ фотоси.


«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ КЕЛДИ

„ЙЎЛ АЗОБИ"

Студентлар шаҳарчасида 18 маҳалла, 25 ётоқхона, 2 та мактаб ва яна ўнлаб муассаса ва ташкилотлар, минглаб студентлар жойлашган. Шаҳарчада юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди ва хизматга қатнайди. Бироқ шаҳар транспортининг хизмати ҳозирча қониқарсиз.

Газетанинг шу йил 14 март сонида босилган «Йўл азоби» сарлавҳали хабарда шулар ҳақида фикр юритилган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети трамвай-троллейбус бошқармасидан олинган жавобда кўрсатилишича, хабар 7-маршрутли трамвай, ва 8-троллейбус коллективи иштирокида кенг муҳокама қилинган. 7-трамвай, 8-троллейбус иши алоҳида назорат остига олинди. Графикка қатъий риоя қилиш чоралари кўрилди.



УЛКАН САНЪАТ ДАРГОҲИ

«Ҳурматли ўртоқ! Сизни Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон Давлат филармонияси ва эстрадасининг 30 йиллик фаолиятига бағишланган кечага таклиф этамиз».

Мана шундай таклифнома олган неча ўнлаб ҳамшаҳарларимиз ҳозир Свердлов номидаги концерт залига бориш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз эса барча санъат шинавандаларини республикамиздаги улкан маданият ўчоқларидан бири бўлган Ўзбекистон Давлат филармонияси ва эстрадасининг тарихи ва ҳозирги ишлари билан қисқача таништирмоқчимиз. Бу ҳақда сизга ана шу машҳур санъат даргоҳининг бадиий раҳбари, музикашунос Т. Жумаев сўзлаб беради.

Республикамиздаги на эмас, Иттифоқимиздаги йирик концерт ташкилотларидан бири бўлган Ўзбекистон Давлат филармонияси ва эстрадасининг 30 йиллик тўйи Октябрнинг 50 йиллиги шодиёналари арафасида бўлаётганлиги жуда қувончлидир.

Ўзбекистон Давлат филармонияси 1936 йилнинг августида ташкил топди. Муҳиддин Қориёқубов, Тўхтасин Жалилов, Тамарахоним, Мукаррама Тургунбоева каби санъаткорларимиз унинг дастлабки ташкилотчиларидан бўлди. Бу соҳада композитор ва музикашунос Н. Н. Миронов ҳам ғайрат кўрсатди.

Ўзбекистон Давлат филармониясининг ташкил топиши республикамиз музика ҳаётида катта воқеа бўлди. У ўзбек музика санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшди.

1937 йилнинг майида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтди. Бу улкан байрамга филармониямиз қошидаги Тўхтасин Жалилов бош бўлган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ҳамда Н. Н. Миронов бош бўлган хор жамоаллари ва қатор халқ санъаткорлари қатнашдилар.

Шу йилнинг 31 майида филармониямиз ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Ҳукуматимиз совет санъатини ривожлантиришдаги муваффақиятларини юксак тақдирлаб, Ўзбекистон Давлат филармониясини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

Биринчи ўзбек адабиёти ва санъати декадасидан сўнг санъаткорларимиз РСФСР, Белоруссия, Украина, Озарбайжон ва бошқа қардош республикалар бўйлаб гастролга чиқдилар. Санъаткорларимиз Катта Фарғона канали қурилишида ва бошқа қурилишларда ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб, халққа маданий хизмат кўрсатдилар.

...Даҳшатли уруш йиллари бошланди. Ҳамма Ватан ҳимоясига сафарбар этилди. Бу оғир дамларда бизнинг санъаткорлар ҳам тезроқ галабага эришиш учун ғайрат ва матонат кўрсата бошладилар. Филармония ва эстрада қошида қатор концерт бригадалари ташкил этилиб, улар жанг майдонига йўл олдилар. Улар орасида атоқли санъаткорларимиз Ғавҳархоним Раҳимова, Беркинбой Файзиев, Саиджон Калонов, Саид Алиев, Раима Ҳакимова, Сайфиддин Йўлдошев, Меҳри Абдуллаева ва бошқалар бор эди.

Кўпгина санъаткорларимиз эса қўлларига қурол олиб ёвуз душманга қаҳшаткич зарбалар беришни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари санаб, жанг майдонлари томон йўл олдилар. Бунга Султон Жўраев, Ҳалил Қодиров, Ҳаёт Ҳидоятов, Ҳалил Абдуллаев, Ҳайри Изомов, Назим Неъматов, Умар Ҳамидов, С. М. Успенский, Раббим Ҳамдамов ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Гитлерчилар Германияси устидан галаба қозонилгач, санъаткорларимиз тинч ва фаровон ҳаётни тараннум эта бошладилар.

1951 йилнинг майида ўтган иккинчи ўзбек адабиёти ва санъати декадаси филармониямиз ҳаётида яна бир улкан имтиҳон бўлди. Бу декадада халқ чолғу асбоблари оркестри, ўзбек ашула ва рақс ансамбли, Тамарахоним ансамбли катта муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистон Давлат филармонияси ва эстрадасининг бугунги улкан тўйида Муҳиддин Қориёқубов, Маннон Уйғур, Тўхтасин Жалилов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Н. Н. Миронов, В. А. Успенский, Р. М. Глиэр, С. Н. Василенко, Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий, Мутал Бурхонов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Габреэль Толмасов, Мадрақим Шерозий, Ҳалима Носирова, Мукаррама Тургунбоева, Домла Ҳалим Ибодов, Матюсуф Харратов, Толибжон Содиқов, Абдулла Шоир Нуралиев ва санъатни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бошқа санъаткорлар номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу устоз санъаткорлар фақат ўзбек Давлат филармонияси ва эстрадасидагина эмас, республикамизнинг кўпгина ижодий коллективларида ҳам муносиб шогирдлар етиштириб чиқардилар.

Ижодий коллективимиз ҳозирда улкан байрам — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик тўйига зўр тайёргарлик кўрмоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 26ЕТ

17 МАЙ, 1967 Й.



Москва эстрада балетининг артистлари РСФСРда хизмат кўрсатган артист Людмила Мержанова ва эстрада артистлари Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Борис Зданевич янги хореографик миниатюра тайёрладилар. «Оқ нилуфарлар ўлкасида» деб аталган эстрада балети ҳинд классик рақси асосида яратилди.

Суратда: балет миниатюрасидан бир кўриниш.

В. Шчеголев фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

БАХШИ—МЕҲМОНИМИЗ

Тошкент Давлат университетида филология факультети студентлари халқ шоири Чори Хўжам бахши ўғли билан учрашдилар.

Учрашувни филология фанлари доктори, профессор Гулом Каримов очди. Учрашувда фольклорчи олимлар ва илмий ходимлар ҳам қатнашдилар.

Учинчи курс студенти Қ. Бобоева «Чори Хўжам бахши ўғлининг ҳаёти ва репертуари» тўғрисида доклад қилди.

Шунингдек учрашувда студентлардан А. Пўлканов, М. Ниёзова, М. Ашрапова Чори шоирни ижодий муваффақиятлар билан табриклашди.

Чори шоирга сўз берилганда зал олқишга кўмилиб кетди. Чори «Алпомиш» ва «Авазхон» достонларидан парча ҳамда бир неча термаларни дўмбираси билан куйлаб берди.

А. ҲАБИБОВ.

„ИККИ ЙИЛ ЖАҲАННАМ ГИРДОБИДА“

КИНО

Бу фильм ҳам уруш ҳақидами, — деб сўрарсиз.

Ҳа, яна уруш ҳақида...

Бу мавзуда кўп асарлар яратилган. Ёзувчилар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, кино ходимлари совет қишиларининг Улуғ Ватан урушн йилларида кўрсатган қаҳрамонлик ва жонбозликларини, уларнинг Ватанимизга нисбатан беғубор меҳр-муҳаббати, партиямиз ғояларига чексиз садоқати ва бошқа олижаноб фазилатларини васф этиб бугунги ва келажак насллар учун ажойиб асарлар бунёд этмоқдалар. Жаҳон халқлари фашизм ҳақида ҳамма нарсани билишлари ва уни унутмасликлари керак!

Совет давлати хавфсизлик органларининг 50-йиллигига бағишланган «Икки йил жаҳаннам гирдобида» фильми авторлари ҳам шундай демоқчи бўлдилар.

Ҳақиқатан ҳам, совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши курашини акс эттирувчи асарларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу асарлар «ҳушёр бўлинг, фашизм ҳали тирик!» дея хитоб этадилар. Ахир, фашизм яна бош кўтармоқда. Ғарбий Германияда гитлерчилар ўзларининг истилогарликдан иборат қабиҳ ниятларини ошкора баён этмоқдалар. Италияда Муссолини газандалари ҳокимияти қўлга олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Американинг неофашист йиртқичлари гуноҳсиз Вьетнам аҳолисига бомба ёғдириб мингларча заҳматкашларни хонавайрон этмоқдалар, Испания ва Португалияда Америка империалистлари «инъом-эҳсонидан» кутурган фашистлар ҳокимиятни қўлга олганлар. Грецня фашистларининг янги ҳуружи бошланди... Демак фашизм тамомила маҳв этилган эмас.

Шу билан бирга Ғарбда фашизмнинг қора кучлари қаршисида ожизлик кайфиятини ифодаловчи, умидсизлик руҳида яратилган фильмлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бунинг сабабларидан бири шуки улар фашизмни занжирбанд этаоладиган кучларнинг борлигига ишончсизлик билан қарамоқдалар.

«Икки йил жаҳаннам гирдобида» фильми сюжети ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеаларга, тарихий ҳужжатларга асосланган. Фильм қаҳрамонлари юксак ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган. Бош қаҳрамон Иван Кудря эса (ҳалок бўлганидан сўнг) Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Кекса чекист генерал-майор В. А. Дроздов ва журналист А. Е. Евсеев кейинроқ ҳақиқий ҳужжатларга таяниб, шу ном билан китоб ҳам ёзганлар.

Воқеа немис-фашист босқинчиларининг Ватанимиз муқаддас тупроғига босиб кирган аввалги икки йил давомида, Киевда рўй беради. Чекист-разведкачи Иван Кудря ва унинг ёрдамчиси Мария Груздова фамилияларини ўзгартириб, ўзларини Совет ҳокимиятидан жабру жафо кўрган кишилар деб таништирадилар. Улар Киев операсининг ифтихори Раиса Окипная, темир йўл хизматчиси немис аёл Женя Бремер, довюрак жангчи Жорж Дудкин, чекист Соболев ва Тарас Семеновичлардан иборат пинҳонкорлар (подпольчилар) гуруҳини ташкил этадилар. Бу оддий совет кишилари ҳар дақиқа таҳдид этаётган ўлим хавфи остида, икки йил давомида Киевни ишғол этган маккор душманга қарши курашадилар.

Чет элларда баъзан совет кишилари кўрсатган мислсиз фидокорликнинг асл манбаини, сабабларини тушунаолмай, «улар шунча куч-қудрат ва букилмас иродани қаердан олганлар» деб ҳайратланадилар. Албатта, бу ерда биз учун бирор сир йўқ: бу фидокорлик совет кишиларининг коммунистик эътиқодларидан, ғояларидан, Ватанга муҳаббатидан келиб чиқади.

... Кўп ўтмай фашистлар пинҳонкор гуруҳнинг зарбаларига дучор бўлабошладилар. Фашист офицерлари билан тўлган «Континенталь» ресторани Кудря қўйган миналардан портлаб, кўп босқинчилар ҳалок бўлишади. Кудря бошлиқ бу гуруҳ фашистларнинг совет территориясига юборган ва юборадиган жосуслар, вайронкорларнинг рўйхатини қўлга киритадилар. Мария Груздова яширинча фронт линиясидан ўтиб, бу рўйхатни совет органларига топширади, сотқинлар эса қўлга тушадилар...

Мария Груздова Киевга қайтиб келгач унга гуруҳ аъзоларидан бири Димитрий Иванович мудҳиш хабарни етказади: фашистлар бир сотқин хотин воситаси билан Кудря ва ўртоқларини аср этиб, зиндонга ташлайдилар. Иван Кудря қаҳрамонларча ҳалок бўлади, Раиса Окипная ва Женя Бремерни машина ичида газ билан заҳарлаб ўлдирадилар...

Фильмда кишини тўлқинлантирувчи, таъсирли, ҳаяжонбахш кадрлар анчагина. Бунда режиссёр-постановкачи Тимофей Левчукнинг маҳорати, бош оператор Владимир Войтенконинг ижодкорлиги, актёрларнинг ёркин образ яратабилганликлари, сценарий авторлари Виктор Дроздов, Александр Евсеев, Леонид Траубергнинг кино тасвирий санъатининг сирларини яхши ўзлаштириб олганликлари мазкур фильмнинг умуман муваффақият қозонишига олиб келган, унинг бадиий кимматини, савиясини оширган.

Фашистлар томонидан бегуноҳ яҳудийларнинг қириб ташланиш манзарасини кўз олдингизга келтиринг. Бу манзара томошабинни изтиробга солади, қаттиқ ҳаяжонлантириб ғазабини қўзғотади. Ҳеч ким бепарво қўролмайдиган бу кадрларни яратишда фильм авторлари самарали кино воситаларидан бири — монтаж усулидан фойдаланганлар. Фашист жаллодларининг ёвузлик ва, айни ҳолда, совуққонлик билан хотин-қизларни, ғўдакларни, чол-кампирларни ўлдиришлари каби фожиали манзара автомат ва пулеметларнинг садолари билан бир муддат экранда пайдо бўлади. Бу эса фашизмнинг шафқатсизлиги, унинг ҳақиқий башарасини кўрсатади.

Бу мавзуда фильм яратиш бобида катта тажриба ҳосил қилинган. Томошабинлар орасида катта шуҳрат қозонган «Разведкачининг жасорати» ҳам шу Киев киностудияси томонидан ишлаб чиқарилган эди. Лекин бизнинг фикримизча «Икки йил жаҳаннам гирдобида» фильми анчагина суст рок чиққан. «Разведкачининг жасорати»да фашистларнинг макрлиги, йиртқичлиги, хоинлардан усталик билан фойдаланишлари, бош қаҳрамон Алексей Федотовнинг янги-янги тўсиқларга дуч келиб, ҳаёти ҳамиша қил устида туриши ҳаётий тасвир этилганлиги учун ҳам совет разведкачисининг мардлиги ва матонати, ақл-идроки яна ҳам ёркинрок мужассамланади. Бу асарнинг эмоционал таъсирини оширган. Иван Кудря дуч келган қийинчиликлар эса бироз сусайиброк қолган. Бир марта фашистлар қўлига тушиб, гестапога ишга ўтиб олган Тарас Семёнович ёрдами билан осонгина қутилиб кетади. Кудря ҳатто бир жойда: «Ишим ҳадеб ўйнгдан келяпти» деб хитоб қилади.

Ҳар ҳолда, бу камчиликларга қарамай, фильм катта қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Истеъдодли артистлар тотомонидан яратилган образлар фидьмнинг муваффақиятини таъминлаган. А. Барчук Иван Кудря ролини анча яхши ўйнаган. Артист талқинида Кудря ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам совуққонлик билан, эсанкирамай иш тутадиган қаҳрамон образи сифатида гавдаланади. У довюрак, кўрқмас йигит. Ватан учун жонини қурбон қилишга ҳамиша тайёр.

Нина Веселовская яратган образ хотирада узоқ сақланади. Артистканинг зўр маҳорати Раиса Окипная ролида сезилиб туради. У йиғлаш керак бўлганда, фашистлар олдида кулиб, табассум этади, ўзининг ажойиб таланти билан душманларга фириб беради, ҳар дамда турли вазиятга киришга мажбур бўлади. Немис фашистлар разведкасининг жирканч қиёфаси шафқатсиз Миллер образида (артист Н. Гриценко) яхши тасвирланган.

Фильм якинда бўлиб ўтган тарихга мурожаат этган бўлса ҳам, ўз моҳияти билан замонавийдир. У томошабинларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялайди, фашизмга қарши, тинчлик учун курашга даъват этади.

Муҳсин УМАРОВ.

МЮРИЦ КЎЛИДАГИ ҲОДИСА

Уша совуқ тунда сержант Тошпўлат Умаров ва оддий аскар Владимир Аверин шалаббо бўлиб, совуқдан қалтираб, болаларни қирғоққа олиб чиқишганда. Рехлин қишлоғининг аҳолиси уларни қаршилашга шошилди, улар жасур совет аскарларига қандай миннатдорчилик изҳор қилишларини билишмасди. Қутқарилган болаларнинг оналари ва оталари халоскорларнинг тирналиб кетган кўлларини ўпишарди. Ҳамманинг эътиборидан уялиб кетган бизнинг жангчиларимиз эса ҳўл кийимларини сиқиб қайта кийишди-ю, шу ҳодиса туфайли тўхтаб қолган сафарини давом эттиришди.

...Бу ҳодиса 5 майда бўлган эди. Тўққиз яшар Петер Блум мактабдан уйига қайтиб келгач, укаси Ахим ва қўшниси, ўртоғи тўққиз яшар Хольгер Грёлих билан биргаликда Мюритц кўли соҳилига ўйнагани кетишди. У ерда болалар иккита бочка бирбирига боғлаб устига тахта қўйиб ясалган кичкинагина солни кўриб қолишди. Болалар солга чиқиб, таёқ билан итариб, қирғоқ бўйлаб сайёхат қилишди. Уйинга берилиб кетган болалар осмонни қора булутлар қоплаганини, сўнгра эса кучли шамол эсиб, солни кўлнинг ўртасига ҳайдаб кетганини сезмай қолишди. Кўл эса жуда катта, узунлиги 20 километр кенглиги ҳам шунча бор.

Регина Грёлих ишдан қайтиб келиб ўғлини топмади ва ташвишланиб қолди. Кўчада кучли шамол эсяпти, ҳали замон ёмғир қуйиб юборади, қаёқда қолди экан? У ўғлини қидириб қўшниларинникига кирди, ҳеч қаердан топилмади. Блум хонимдан сўраган эди, у ҳам иккала ўғли йўқлигини айтди.

Энди ташвишланиб қолган икки она қишлоқдаги ҳамма уйларга бирма-бир кириб чиқди. Қоронғи туша бошлади. Аёллар йиғлаганча кўл томонга югуришди. Кимдир болаларни солда ўйнаб юрганини кўрганлигини айтди. Аёллар келишганида улкан тўлқинлар қирғоқдаги қояларга келиб урилаётган эди. Қирғоқда эса ҳеч ким йўқ. Машинада ўтиб кетаётган Умаров билан Аверин йиғлаётган аёлларни шу ерда кўриб қолишди.

— Нима бўлди? — деб сўрашди улар.

Аёллар болалар йўқолиб қолганини айтиб беришди. Ёрдам бериш керак, — деган қарорга келишди жангчилар.

Яқинроқ жойдаги саройдан қайиқ топиб чиқишди, унинг эшкаги йўқ эди. Дворгдан иккита тахтани чиқариб олиб, сузиб кетишди. Бутунлай қоронғи бўлиб қолди. Кўл жуда катта, солни қаердан қидириш керак? Шамол шимол томонга эсар, қайиқни ҳам қарши томондаги қирғоққа суриб борарди. Болаларни ҳам шамол ўша томонга олиб кетган бўлса керак, деб ўйлашди жангчилар. Улар ҳозир ўзлари ҳақида ўйлашмас, нима бўлса ҳам болаларни топиш ҳаракатида эдилар. Аёлларнинг сўзидан болаларнинг жуда ёшлигини билишарди. Улар сол устида туриша оларми-кин?

Шу пайт Рехлиндан район маркази Нойштрелицга телефон қилиб, бўлган воқеани айтишди. Район халқ полициясининг бошлиғи подполковник Ганц Забалат қирғоқ бўйи посёлкаларидаги ҳамма катерларни қидирувга чиқишга буюрди. Тунда, чамаси соат 11ларда Варен, Рёбел, Зитов посёлкаларидан Мюритц кўлига олтита катер чиқди. Прожектор нурлари сув сатҳини сийпаб ўтар, қирғоқдаги қояларни ёритарди. Лекин на сол, на болаларни қидириб юрган аскарлар тушган қайиқ кўринарди.

Ярим кечага яқин Умаров билан Аверин қамишзорга яқин келиб, болаларни чақиришди. Бирдан йиғи овозини эшитишди. Боланинг овози яқин жойдан, қамишлар орасидан келарди. У ерга қайиқ билан бориб бўлмайди. Жангчилар сувга сакраб тушиб, қамиш оралаб ўта бошладилар. Жангчилар ағдарилиб кетган солга зўрға тирмашиб турган болаларни кўриб қолишди. Улар сал кеч қолишганда борми, ботқоқ болаларни ютиб юборарди. Умаров билан Аверин болаларни қайиққа олиб чиқишди. Қутқарув катерларидан биридаги прожектор нури қайиқни қидириб топганда халоскорлар кўлнинг ўртасига келиб қолган эдилар. Жангчиларга арқоннинг учини ташлашди. Уларни қирғоққа олиб келишди. Қирғоқда эса бутун қишлоқ кутиб турарди.

Умаров ўз қисмига қайтиб келгач офицерга йўлдаги бир ҳодиса туфайли кечикиб қолганлигини айтди. Германиядаги совет қўшинлари группасининг Умаров ва Аверин хизмат қиладиган ҳарбий қисмига қутқариб қолинган болаларнинг ота-оналари ғалаба куни келиб, командирга жангчиларнинг жасорати ҳақида гапириб бермаганда, балки бу қаҳрамонликни ҳеч ким билмаган бўларди.

Ота-оналар Умаров билан Авериннинг Рехлинда бир кун меҳмон бўлишларига руҳсат сўрашди. Жасур йигитларимизни мен ўша ерда учратдим ва улар қутқарган болалар билан бирга суратга олдим.

Рехлин яқинидаги кемасозлик корхонасида ишлайдиган Геральд Блум (қутқариб қолинган икки боланинг отаси) дастурхон устида Умаров ва Авериннинг фидокорлиги учун яна бир бор қизғин миннатдорчилик билдирди.


— Азиз ҳалоскорлар, сизларга таъзим қиламан. Нотаниш болаларни қутқараман деб ўз ҳаётингизни ҳавф остида қолдирдингиз. Қалби кенг кишиларгина шундай қила олади. Сизларга раҳмат, ота-оналарингизга, совет кишиларини шундай фазилатли қилиб тайёрлаган мамлакатингизга минг раҳмат.

Мен немис ишчисининг бу сўзларини Умаров, Авериннинг ота-оналари, қариндош-уруғлари билишсин деб келтириб ўтдим. Сержант Тошпўлат Умаровнинг ота-оналари Тошкентда, оддий аскар Владимир Авериннинг ота-оналари эса Қирғизистон ССРдаги Прежевальский шаҳрида туришади. Улар Ватанимизга муносиб жасур фарзанд ўстирганлар. Бугун уларнинг жасоратини бутун Германия Демократик Республикаси эшитди.

С. ТОСУЯН,
«Известия» мухбири.
(«Известия», 14 май).

фотокалейдоскоп







КАМБОДЖА пойтахти Пном-Пень майдонида совет автомобили— «Москвич-408».

ИТАЛИЯ. «Ромео ва Жульетта» повестидан ҳам ачинарлироқ қисса йўқ. Аппенин ярим оролида бу бахтсиз севишганлар хотираси муқаддас сақланади.

Суратда: Верона шаҳридаги Жульеттанинг мозори.

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА. Кариб денгизидаги Кюрасао оролининг бош шаҳри Вилемстад портининг кўчасида ҳаваскорлар оркестри.

ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«ЗУЛМАТДАГИЛАР УЧУН НУР»

Алангали ўттўққизинчи йил... Ёш советлар республикаси оқгвардиячи ва интервентлар фронти, империалистларнинг иқтисодий блокадаси ва сон-саноқсиз бўхтонлар халқасида қолган. Умрини яшаган эски дунё янги Россия ҳақидаги ҳақиқатни ёлғонининг лойқа ботқоғига чўктиришни истайди. Лекин, ҳақиқат фронтларни ёриб ўтиб, тоғлар ва океанларни кечиб, планетамизнинг ҳамма жойида меҳнаткаш халқнинг ҳайрихоҳлигини қозонади. У ўша пайтларда аслида Қўшма Штатларнинг ярим мустамлакаси бўлган Кубага ҳам бориб етди.

Мана, кўз олдимизда Гаванада чиққан «Херальдо де Куба» газетасининг 1919 йил 10 ноябрь сонининг сарғайиб кетган саҳифалари. Кичкинагина бир хабарда қозоячилар касаба союзи ноябрь ойининг бошларида рус революциясининг икки йиллигига бағишлаб ўз касаба союз аъзоларининг нигилишини ўтказганлиги ҳақда хабар қилинади.

1920 йилнинг апрель ойида Гаванада тўпланган ишчиларнинг иккинчи миллий конгресси ўзи қабул қилган резолюцияларда бирида Октябрь революция с и н и н г «эзилган омма учун қуёш нури, наъмуна ва мадад» деб характерлайди. «Биз қойил қолиш ва хайрихоҳлигимизни изҳор қилиш билан бирга, ўз биродарларимизга революцион бирдамлигимиз намунасини йўллаймиз» дейилади конгресс резолюциясида.

Куба пролетариати томонидан қабул қилинган бу ҳужжатлар Совет Россиясига қарши Америка империализми Кубадаги агентураси томонидан тўхтовсиз туҳмат ёғдирилаётган бир пайтда қабул қилинди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг элдик йиллиги муносабати билан Куба тарихчилари Октябрь революциясининг Кубанинг тарихий тараққиётига таъсири, Куба пролетариатининг рус ишчи ва деҳқонлари билан ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатларни излаб катта илмий-текшириш ишларни олиб бораётирлар. Куба матбуотида, хусусан мамлакатда кенг тарқалган «Боэмия» журналининг сўнгги сонида бу ишларнинг дастлабки самараларини ифодаловчи материаллар пайдо бўла бошлади. Ҳаммага маълум бўлган фактлар —Кубанинг машҳур революционерлари Хулио Антонио Мелллнинг «Воровский» совет кемасида бўлиши, Гавана якинидаги Регла ишчилари шаҳарчасида «Ленин дарахти»нинг ўтказилиши билан бир қаторда ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган қизиқарли материаллар ҳам босилган. Куба тарихчиларининг бу илмий ишлари Октябрь революциясининг оламшумул аҳамиятини ўрганишда жуда қимматли бўлиб, шубҳасиз у ажойиб самаралар, беради.

Руслан КНЯЗЕВ,
ТАСС мухбири.

ХКП РАҲБАРЛАРИ СИЁСИЙ ЙЎЛИНИНГ МАНБАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Н. КАПЧЕНКО

Хитой Компартияси раҳбарлари майда буржуа, миллатчилик платформасининг ижтимоий ва ғоявий-сиёсий илдизлари бир-бири билан туташиб кетган. Уларни ўзаро боғлиқ ҳолда, биргалинда тасаввур этганимиздагина Хитой бошлиқларининг ҳозирги алоҳида йўлининг келиб чиқиш сабаблари тўғрисидаги саволга маълум даражада жавоб топамиз.

II.

Хитой раҳбарларининг асосий марксча-ленинча принциплардан майда буржуа, миллатчилик йўлига тушиб олганлиги Хитой Халқ Республикасининг ташқи сиёсатида юз берган ўзгаришларда ўз ифодасини топди.

Хитой Халқ Республикаси ташкил топган дастлабки даврда ХКП йўлбошчилари ташқи сиёсат соҳасида Хитой давлати ва партия органларининг қарорларида белгиланган кўрсатмаларни амалга ошириб бордилар. Хитой Компартиясининг уставида Хитой Республикасининг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаси қуйидагича белгилаб қўйилган эди: «Хитой Коммунистик партияси бутун дунёда тинчликни сақлаш ва ҳархил тузумдаги мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ёқлайди». Ундан сўнг, социалистик мамлакатлар билан дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун куч-қувват сарфлаш зарурлиги, халқаро ҳамкорлик, партия аъзоларини ва халқни интернационализм руҳида тарбиялаш таъкидланган («Хитой коммунистик партияси VIII умумхитой съезди материаллари», Госполиздат, 1956, 510—511 бетлар).

Хитой раҳбарлари партия съезди қарорларида ёзилган йўлдан борган ана шу даврда Хитой Халқ Республикаси халқаро сиёсатида бир мунча ғалабаларни қўлга киритди. Хитой билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган йўл социалистик системани мустаҳкамлашга, жаҳон минёсида унинг мавқеини нўтаришга ёрдам қилди. Шу билан бирга бу йўл Хитой халқининг туб миллий манфаатларига, Хитой давлатини ривожлантириш манфаатларига тўла-тўкис мос келган эди. Хитой халқи Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорликка суяниб, бу дўстликнинг самарали мевасидан фойдаланиб, энг муҳим миллий проблемаларини муваффақиятли ҳал этабошлаши мумкин эди. СССР билан иттифоқ бўлиш Хитой хавфсизлиги учун гаров бўлиб, халқ Хитойи ташқи сиёсатининг суяниб турган пойдеворн бўлиб хизмат қилди. Ҳатто буржуа газеталари ҳам «Хитой СССР билан иттифоқда бўлиб, ўзининг хавфсизлигини сақлади, натта иқтисодий ва ҳарбий ёрдам ҳамда ўзининг халқаро позициясини яхшилаш учун баъза олди» деб эътироф этган. (Р. Г. Боуд. Хитой коммунистларининг халқаро сиёсати. Нью Йорк, 1962 й. 65 бет).

Бироқ Мао Цзэ-дун гуруҳи Совет Иттифоқи билан муносабатни ёмонлаштириш йўлига ўтиши билан Хитой халқи манфаатларини бутунлай сотиб юборди, жаҳон революцион ҳаракати олдида хоинлик қилди. Мао Цзэ-дун ва унинг атрофидагилар мунтазам равишда, қадамба-қадам СССР билан Хитой ўртасидаги келишмовчилик доирасини кенгайтира бордилар. Сўз СССР билан дўстликдан воз кечиш, СССР ва КПССга қарши ғоявий-сиёсий нурашни кучайтириш йўлини расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида борар эди. Бу Хитой Халқ Республикасининг конституциясида ва ХКП VIII съезди қарорларида мустаҳкамланиб қўйилган ХХР ташқи сиёсатининг асосий принципларидан бирини бутунлай бузиб юборишдан иборат эди. Бу сиёсат Мао Цзэ-дун бошчилигидаги ХКП раҳбарлари гуруҳи томонидан Хитой халқининг манфаатларини ҳисобга олмасдан амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда Мао Цзэ-дуннинг улуғдавлатчилик, советларга қарши сиёсати янги, хавфли фазага кўчди. СССР ва КПССга қарши кураш Мао Цзэ-дун гуруҳи бутун ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятининг асосий ва бош йўналиши бўлиб қолди. Мао Цзе-дун ва унинг атрофидагиларнинг ташқи сиёсатида советларга қарши йўналиши 1966 йил август ойида бўлган ХКП XI пленумида қабул қилинган ахборотда расмийлаштирилди. Бу пленум Совет Иттифоқига ва КПССга қарши курашни биринчи навбатдаги вазифа қилиб белгилади, ташқи сиёсатнинг бошқа барча соҳаларини ана шу нурашга бўйсундирди.

ХХРда авж олиб кетган «маданий революция» ҳам советларга қарши сиёсатнинг тобора нучайиши ва кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. «Маданий революция» ташкилотчиларининг ниятларига қараганда, бу «революция» хитой халқи ва хитой коммунистларида совет халқига нисбатан дўстлик туйғуларини сўндириб юборишга, СССРга нисбатан ишончсизлик ва душманликни тарбиялашга Хитойда миллатчилик ва шовинистик кайфиятни кучайтиришга қаратилгандир.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

Жаҳон ойнаси

Тошкент оқшоми 3бет

17 МАЙ, 1967 Й.

Спорт

ТЕРМА КОМАНДА СОСТАВИДА

Классик кураш бўйича ишқибозлар эътиборини бир неча йилдан бери ром қилиб келаётган СССР спорт мастери Рустам Казаков СССР терма командаси составига киритилди. У Минск шаҳрида ўтказиладиган Европа биринчилиги мусобақаларида иштирок этади. 19—21 майда бўлиб ўтадиган олишувларда Рустам энг енгил вазн категорияси бўйича гиламга чиқади.

СПАРТАКЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Андижонда «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг республика совет биринчилиги учун шахмат мусобақалари тамом бўлди. Республикамиз областларининг 9 терма команда даси икки подгруппага бўлиниб, ўзаро беллашдилар. Ҳар группадан энг кучли икки команда финалга йўлланма олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Спартак жамияти чемпиони унвони учун Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Фарғона областларининг терма командалари финалда учрашди. Тошкент области спортчилари биринчи ўринни, Самарқанд область вакиллари иккинчи ўринни, фарғоналиклар эса учинчи ўринни эгалладилар.

Гиламдаги олишувлар

Бухоро шаҳрида республика студентларининг V ўйинлари программасига кирган эркин кураш мусобақалари турнири. Команда биринчилиги мусобақаларида Ўзбекистон давлат физкультура институтининг спортчилари биринчи ўринни эгалладилар.

ПОЙТАХТ БИРИНЧИЛИГИ

«Текстильщик» стадионида уч кун давомида пойтахт биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Кўл тўпи бўйича энг кучли олти команда биринчилик учун ўзаро беллашди. Тошкент тўқимачилар комбинатининг терма командаси рақиблардан ўзининг ҳам техник, ҳам тактик устунлигини намойиш қилиб, ғалабани қўлга киритди. Бу команда тўрт йилдан буён СССР биринчилиги учун «А» классининг олий лигасида иштирок этиб келмоқда.

«Текстильщик» барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон қизлар терма командаси эса иккинчи ўринни, Педагогика институти қизлари эса учинчи ўринни эгалладилар.

Э. ИЛДОШЕВ.



СУРАТДА: кўл тўпи бўйича «Текстильщик» ва Пединститут командалари ўртасидаги ўйин пайти.

Э. Йўлчиев фотоси.



— Энди менга келганда эса қачон бирор мушкулга дучор бўлсангиз, албатта, мен борлигимни эсланг. Ҳали улар Нейнитолдан келганларича йўқ. Хабарингиз бўлмадими қачон қайтишларидан?

— Ҳа, Юсуф соҳибнинг синглиси бор-ку. Ахтар, ўшанинг айтишича, янаги ҳафта ичида келиб қолишади. Юсуф соҳиб айтдилар, Нафиса бибига ашуладан дарс беришим учун мен ўша ерга бориб туришим лозим бўлармиш. Агар Нафиса бибиникига бориб турадиган бўлсам, у билан дўстлашиб оламан-да, менга ишонадиган бўлганида, унга бор гапни очиқ-ойдин қилиб гапириб бераман деб ўйлаб қўйдим.

— Агар унчалик одамларда сенга нисбатан ишонч уйғона олса-ку улар учун бу катта бахт, лекин сиз, Суман, ҳеч қачон бойларга ишонманг. Бу одамлар, ҳар нима бўлганда ҳам, барибир, бойлик нашъаси уларнинг миялари нинг бирон-бир бурчагида, албатта, сақланиб қолган бўлади. Бу иллатдан бутунлай пок бўлиши учун кўп вақт талаб қилинади.

Суман бирдан Нуъмон соҳибни эслади ва овозининг борича кулиб юборай деди-ю, ўзини зўрға босиб олди. У сумкасини қўлга олиб, энди тақиллаб қолди. Хизматкор ошхонадан отилиб чиқди. Рафиқ соҳиб қўли билан ишора қилиб, уни тўхтатди. Ҳовлида ўтирган Суман кўзга кўринмайдиган қилиб, эшикни сал қия очиб қаради, сўнг ланг очиб юборди.

— Анавини қаранг, оғайни, зап келдингиз-да!— деди хурсанд бўлиб. У қайтиб келгач, Суман ўгрилиб қараб, орқасида турган Юсуфни кўрди. У Суманнинг бу ерда ўтирганини кўриб бироз ҳайратланди, бироқ ҳеч нима демай, унинг ёнида турган курсига келиб ўтирди ва кулиб унга мурожаат қилди:

— Хўш, қалай, яхшимисиз?

— Шукр, тузукман,— жавоб берди Суман,— чой ичингиз келса, ҳозир дамлаб келаман.

— Ҳа, ҳа, албатта, дамлаб келинг,— деди Рафиқ соҳиб,— буёқнинг баҳонасида биз ҳам бир пиёла қайноқ чойдан ичиб қоламиз.

Суман чойнак олиб ошхонага борди ва чой дамлаб келди. Юсуф ҳовлининг чирогини ёқиб, Рафиқ соҳибга бирма-бир ҳар хил қоғозларини узатаётган. Рафиқ соҳиб эса уларни кўздан кечириб, бир томонга олиб қўяётган эди. Охирги қоғозни хонтахтага қўйгач, у бошини курсининг орқасига тираб ўтириб, Суманнинг қўлидан пиёлани олди ва гап бошлади

— Энди гап битта, вассалом. Шу нормаланган моллар дўконидан ҳозирчалик тузукроқ хизмат йўқ сиз учун. Қани, сиз ишлаб туринг, буёқда ўзингизга муносиб бир иш ни кидиришни қўймаймиз.

Суман сумкасини қўлига олди ва ўрнидан турар экан рухсат сўради:

— Энди менга ижозат, Рафиқ соҳиб, сизнинг ҳам анча вақтингизни олдим.

— Ия, анавини қаранг, нима деяпсиз ўзингиз?— деб эшиккача кузатиб қўйиш учун ўрнидан қўзғалди Рафиқ соҳиб. Юсуф ҳам ўрнидан турди. Суман хайрлашиб кўчага чиқди. Соат тўққиз бўлиб қолган, тун қоронғи бўлса ҳам кўчада уйга қайтаётган одамлар бор эди.

Суман чарчаганини сезди, ёнида рикшага етарли пул ҳам бор эди, лекин шунга қарамай, нимагадир, пиёда боришни қўнгли тилаб қолди.

...Коронғида йилтиллаб турган кўзларни кўриб, Суманнинг юраги орқасига тортиб кетди. Чўчиб-чўчиб секингина: «чип-чип, Гавҳар, Гавҳар, чип, кет»,— деди.

Ит икки марта думини ликиллатди ва думи ёнида турган темир яшикка урилиб приллади, кейин худди, энди рухсат, ўтавер, дегандек, бошини ягринига қўйиб, кулча бўлиб олди.

Суман кўрдики, итнинг авзойи анча тузук. Секин оёғининг учида бориб, шиппагини олмоқчи бўлиб энгашган эдики, яшик ёнида ухлаб ётган ёш болага кўзи тушиб қолди. Боланинг бир оёғи итнинг белига ташланган ҳолда эди. Кўрди-ю, ўзини йўқотиб энгашганича қолди.

Бола — Мину эди!

Суман ўз кўзларига ишонмас эди. Мину... бу ерда? Шу аҳволда? Эгнида кир, чурук кўйлак, пасти яланғоч, жингалак тим қора сочли жажжигина боши ахлат яшигининг орқасида, ариққа ёқасида ётган бир тош устида. Бир муштда чурук латта, яна бир қўлида консерва қутиси.

Суман чўк тушиб ўтирди ва чироқ ёруғини унинг юзига туширди. Кўзига ёруғлик тушиши биланоқ қизчанинг латта тутган қўли кўтарилиб силкинди ва яна тап этиб ерга тушди. Уйқу ғолиб келди.

Суман бир лаҳза ҳам ўйлаб ўтирмай сумкасини елкасига илиб, иккала қўли билан болани кўтариб олди. Уни қучоғига олар экан, Суманнинг бутун вужудини нафрат олови ёндириб юборди.

— Онасини қаёққа олиб бориб қўйибди-ю, боласини қаёққа олиб келиб ташлабди! Пасткашлар, ифлослар, итлар!— деб тўнғиллади у.

Ит ожизлик ва афсурдаҳоллик билан унга қаради. Қоронғида чақнаб турган кўзларида ажиб бир ғамгинлик ва ёлғизлик дарди акс этарди, гўё энди у бутунлай ёлғиз ўзи қолаётганига қайғураётгандек эди.

Ит оҳиста ўрнидан турди ва болани қучоқлаб олган Суманнинг орқасидан эргашиб кетди.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

(Давоми бор).

ЭҲТИЁТ ЯХШИ

Шаҳримиз аҳолисининг кўпчилиги табиий газдан кенг фойдаланмоқда. Табиий газдан фойдаланишда эҳтиётлик талаб қилинади. Газ трубаларини бир марта кўздан кечирмай туриб, уйқуга кетманг. Радио, телеведение орқали газ билан хушёр муомала қилиш ҳақида кўп гапирилди ва кўп нарсалар ёзилди.


Мана, эҳтиётсизлик оқибатида содир бўлган бир воқеа:

Кафанов кўча, иккинчи проезд, 9-уйда истиқомат қилувчи 57 ёшли С. Г. Крайнова табиий газ билан зарарланди. Крайнова ётиш олдидан газ плитасини ўчирганда эди, бу воқеа содир бўлмасди. Кечаси «зангори ёқилғи» трубадан келаётган газ ўзича ўчиб қолади-ю, оқими тўхтамайди. Эрталаб Крайнованинг боши айланиб, кўнгли озади. Судралиб эшик тагига боради, эшикни очиши биланоқ ўзидан кетиб қолади.

Ўртоқ Аблямитов бошчилигидаги махсус тез ёрдам машинаси бу ерга етиб келди. Врач Аблямитов бригадаси Крайнованн ўзига келтиради ва уни касалхонага элтади.

Циолковский кўчасида иккинчи воқеа содир бўлди. Ёш дугоналар уйқу олдидан газ плитани ўчиришсада, аммо хонадаги бурами мустаҳкамланмаган газ балонини кўздан кечиришни унутиб қўядилар. Дугоналардан бири орадан алламаҳал ўтгандан кейин баллонни текширмоқчи бўлиб гугурт чаққанда, баллон поққос ёрилиб кетади. Иккала қиз ҳам яхшигина куяди. Врач Волкова бошчилигидаги термнал машина бригадаси дугоналарни ТошМИнинг хирургия бўлимига келтирди.

Яхшики, бу воқеалар ҳунук оқибатларга олиб келмади. Эҳтиётсизлик натижасида жабрланган бу ўртоқлар ҳозир соғайиб кетишди. Фойдаланиб бўлингач, газ плиталарингизни эҳтиёт учун яна бир бор кўздан кечиришни зинҳор унутманг!



СОИ СОҲИЛИ СЎЛИМ-СЎЛИМ.

Р. Жуманиёзов фотоэтюди.

Редактор ўринбосари Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

17 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 В. Терлецкий. Лирик сюита.

18.30 **Республика кекса ижрочиларининг концерти.**

19.20 Қозоқ куйлари.

20.00 **«Собир Абдулла қўшиқлари».** Адабий-музикали эшиттириш

20.45 **«Иқтисодий ислоҳотлар амалда»** циклидан (ўзбекча).

21.25 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**

22.00 **«Октябрь ва жаҳон»** (ўзбекча).

22.15 **Куйлар янглиғ дам оламиз.**

22.40 **Поэзия кечаси** (ўзбекча).

23.20 **Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 **Қардош халқлар адабиёти.** Янка Бриль. **Янги ҳикоялар** (ўзбекча).

19.30 Ф. Мендельсон-Бартольди асарларидан концерт.

20.10 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

20.50 **«Совет Озарбайжони 50 ёшда».** Бокудан эшиттириш (ўзбекча).

21.00 **Турсунзода шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар** (тожикча).

21.30 Нодир асарлар. Лос Анхелос куйлайди.

18 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 **Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари.**

9.30 **Музикали танаффус.**

9.45 **«Жаҳон бир ҳафта ичида»** деган суҳбат (тожикча).

10.10 Пианиночи Мария Гринберг чалади. Бетховен. 32 вариация.

10.30 **Лирик халқ қўшиқлари.**

11.10 **«Чўлқуварлар»** деган эшиттириш (ўзбекча).

11.20 «БАҲОР» ансамбли созандалари чалади.

12.15 И. Акбаров. **«Эпик поэма».**

12.50 «Олатоғ чироқлари». Қозоғистон радиосининг эшиттириши (русча).

13.30 Чет эл композиторлари опералари саҳифаларида.

16.10 **«Композитор Сайфи Жалил».** Музикали эшиттириш.

18.10 А. НАВОИЙ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН Ф. Мусамуҳамедованинг **«Навоий асарларида хотин-қизлар образи»** деган суҳбати (ўзбекча).

18.30 **Ўзбек кинофильмларидан куйлар.**

19.20 Татар куйлари.

20.00 «Октябрь» радиостанциясининг программаси (русча).

20.30 Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.

21.25 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**

22.00 **«Қардош социалистик мамлакатларда»** (ўзбекча).

22.10 **Вальс кечаси.**

22.40 Шу куннинг қаҳрамонлари. А. Авлиёқуловнинг «Академик» деган очерки (русча).

23.20 **Дам олиш концерти.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус қўшиқлари ва рақслари.

13.00 «Тошкент қурувчилари, сизлар учун» (русча).

19.00 Н. Шамшаров. «ЧИРОҚЛАР» деган ҳикоя (ўзбекча).

19.30 Ўзбекистонда Венгер маданияти ҳафталиги олдидан.

20.10 **Халқ куйлари.**

20.50 «Радио эшитувчиларнинг хатлари асосида» деган эшиттириш (русча).

21.00 **Тожик халқ куйлари.**

21.30 **«Вьетнам курашмоқда, Вьетнам ғалаба килади»** деган музикали эшиттириш.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 С. Юдаков. **«Майсаранинг иши»** операсининг монтажи.

16.00 **Театр микрофон олдида.** Ҳамза номли театрнинг «РЕВИЗОР» спектаклини н г монтажи (ўзбекча).

«Зангори" экранда

17 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 Ўқувчилар учун. **«Китоб — бизнинг дўстимиз».**

18.40 Рус тилида телевизион янгиликлар

18.50 **«Халқ талантларн ижросида концерт».**

19.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун **«Юбилей йилига— муносиб ҳосил».**

19.45 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. Телевизион миниатюралар театри.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.30 «Фан — ишлаб чиқаришга». Телевизион фильм.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.10 «Совет опереттаси тарихидан».

22.00 Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлар санъати фестивали. Н. Погодин. «Сурҳат». Волгоград шаҳридаги Гагарин номидаги Маданият саройи қошидаги халқ театрининг спектакли. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар

00.30 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

18.00 **«Шайтонча».** Болалар учун кўғирчоқ фильм.

18.20 «Беш йилликлар ҳақида ҳикоялар».

18.40 «Салом, Суоми». Телефильм.

19.00 «Тинчлик армиясининг лауреатлари бўлган рассомлар».

19.20 Телевизион янгиликлар.

19.30 Классик музика шинавандалари учун. Р. Шуман. «Карнавал».

Ўзбек тилида:

20.15 Б. Бойқобилов. **«Мен— саодат фарзандиман».**

20.35 Телевизион янгиликлар.

20.45 **Пойафзалчилар саройи татар ансамблининг концерти.**

21.30 «ҚОИДАСИЗ ЎЙИН». Бадиий фильм

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

18.00 Болалар учун. «Остравага меҳмонга». Телефильм.

18.20 «Бодрая смена» Ленинградда». Болалар учун концерт.

19.05 «Инсон ва вулқонлар». Телеочерк.

19.25 «Андрей Сова ҳикоя қилади». Сатирик миниатюралар

19.50 «Томоша бошланади».

20.15 **«Опа-сингиллар».** Телефильм.

20.40 «БИР СТАКАН СУВ». Фильм-спектакль.

18 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 «Ўзбекистон автомобиль йўл қурувчилари — юбилей шарафига»

18.35 «ГАЗАНДА». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида:

20.20 Телевизион янгиликлар.

20.35 **«Абу Али ибн Сино асарларини варақлаганда...»**

21.00 **Бадиий ҳаваскорлар санъати фестивали.** З. Фатҳуллин. «ҒУНЧАЛАР». Самарқанд область Ургут район халқ театрининг спектакли

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун. Математика. **«Математик индукциялар методи».**

18.35 **«Соннинг абсолют ўлчови».**

19.10 Химия. **«Химиянинг асосий қонунлари ва тушунчалари».**

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги. Киев шаҳридан олиб кўрсатилади.

20.20 Курск магнит аномалияси ривожланмоқда.

20.50 Музикали маяк.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.20 Жаҳон бир ҳафта ичида.

21.50 Мамлакат музика театрларининг фестивали. Қозон опера ва балет театри ҳақидаги эшиттириш. Қозон шаҳридан олиб кўрсатилади.

23.30 Телевизион янгиликлар.

24.00 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00—23.00 **ОЛМАОТА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА —18/V да **Трубадур**, 19/ V да **Риголетто**, ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ТЕАТРДА — 18/V **Қонли сароб**, 19/V да **Ўғирланган умр**. МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/ V да **Катта концерт** (ёзги бинода), 19/V да **Қари қиз. Амакимнинг туши** — ПУШКИН номли.

Хевсур қиссаси— «УДАРНИК».

18 МАЙДА

Қишки бинода

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ВОСТОК», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Яроғ-аслаҳасиз рицарь—«МИР» (кундуз ва кечқурун).

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Уч бақалоқ — «СПУТНИК» кундуз соат 4 ва кеч соат 8 да).

Чернушка — «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Чўккан кеманинг сири — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

Ёзги бинода

(кеч соат 8-40 минут ва 10 яримда)

Учинчи ёшлик —«УДАРНИК».

Туннель — «1 МАЙ».

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ХИВА».

Чернушка — КАФАНОВ номли.

Кино театрларда

17 МАЙДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кечқурун), «СПУТНИК» (ток соатларда).

Чернушка — «МИР», СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9-45 минутда),

Яроғ аслаҳасиз рицарь — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 7 ва 9-20 минутда).

Уч бақалоқ — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8-40 минут ва 10 яримда)

Қўлга тушмас қасоскорлар — «ХИВА», КАФАНОВ номли.

Туннель (кеч 8-40 минут), Котовский (кеч 10 ярим)—«ВАТАН».

Жаҳаннам гирдобида икки йил —КАФАНОВ номли (кеч 10 ярим).

ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

17, 18 майда

Сарвар Азимов

ҚОНЛИ САРОБ

2 пардали драма

Режиссёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артистлари **А. О. Гинзбург, К. Хўжаев.**

Рассомлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоблари

И. Я. Вальденберг.

Д. В. Ушаков.

Ўйинларни саҳналаштирувчи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **И. Юсупов.**

Асосий ролларда — **О. Хўжаев, Н. Раҳимов.**

Ўзбекистон халқ артистлари **С. Табибуллаев. К. Хўжаев, З. Мухамаджонов, Ш. Қаюмов, Т. Султонова, З. Садриева, Ғ. Аъзамов, Я. Абуллаева** ва бошқалар қатнашадилар.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

«ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИГА

товаршунослар, тикувчилар ва тикувчилик касбига ўргатиш учун шогирдлар, газмол тахловчилар, бичиб тайёрланган газмолларни комплектлаштирувчилар, газмол ўлчовчилар, уборшчицалар, юкчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, 61, Т. Шевченко кўчаси, 21-уйга мурожаат қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИНФОРМАЦИЯ ВА ПРОПАГАНДА ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ

штат-вазифаларида ишлаш учун инженерлар: механик, геолог; рассом-график

КЕРАК

Тошкент шаҳар, ГСП, Глинка кўчаси, 3-а уйга мурожаат қилинсин. Телефон 5-27-55, 5-21-34.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент окшоми 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор —В3-02-49 дан В3-02-58гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33, В3-29-09; масъул секретарлар —В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими —коммутатор орқали 7-81; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — В3-27-57; ахборот бўлими — В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

17 МАЙ, 1967 И. Р. 06309. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 2907.